

Турди, Турдий (асл исми ва тахаллуси; форс-тожик шеърларидаги тахаллуси эса Фарогий) (17-аср, Бухоро — тахминан 1699/1700, Хўжанд) — шоир. Бухоро мадрасаларида таълим олган. Абдулазизхон даврида саройнинг амалдорларидан, юз уругининг кўзга кўринган сиёсий арбобларидан бўлган. Субхонкулихон тахтга чиққач, саройдан узоклаштирилган. Аштархонийларга қарши 1685—86 йилларда кўтарилган халқ исёнида фаол иштирок этган. Исён бостирилгач, Турди Жиззах, сўнг Хўжандга бориб, мухтожлик ва узлуксиз маънавий тушкунликда кун кечирган.

Турди ўзбек ва форс тилларини яхши билган. «Дар мазаммати сипохиғари» шеърида ўзининг асосий касбқори сипохийлик («харбийлик») бўлганини, шу касби билан узок йиллар нималарнидир тамаъ қилиб, шохларга хизмат қилганини, лекин охириқибатда ҳеч нарсага эриша олмаганини афсус билан маълум қилган. Лекин қарбийлик билан бир қаторда Турди ўз замонасининг ўқимишли, Шарқ адабиётидан муқаммал хабардор, ҳаёт, жамият ҳақида кенг тушунчага эга кишиларидан бўлган. Унинг жамиятда тутган мавқеи эса ўз атрофида юз бераётган воқеаҳолисаларга фаол аралашни такозо этган.

Турдининг адабий мероси 18 шеърдан иборат бўлиб, улардан 12 таси газал, 5 таси мухаммас ва биттаси фард жанрига оид. 434 мисра ҳажмидаги бу мероснинг 165 мисраси Субхонкулихон ҳақидаги машҳур ҳажвияни ташкил этган («Субхонкулихон тўғрисида ҳажвия», 1691).

Турди ҳам ўз ижодини бошқа шоирлар қаби анъанавий ишқ мавзудан бошлаган. Унинг: Туркона хиром айлади ул шўхи дилоро,
Дил мулкени бир гўшаи чашм айлади яғмо.

матлаи билан бошланган ишқий газали лириканинг яхши намуналаридан ҳисобланади. Турдининг лирик газаллари бошқа шоирларникидан ўзининг ниҳоятда ихчамлиги, яъни 3—4—5 байтдан иборатлиги билан ажралиб туради. Унинг тасаввуфий шеърлари ҳам гоят гўзал ва фалсафий теран мазмунга бой («...Ибрат ила бок, кўзунг туфрокка тўлмасдан бурун»).

Турди газалларининг аксарияти ҳали ҳеч ким қаламга олмаган, ўткир ижтимоий-сиёсий ва фалсафий-ахлоқий мавзуларга бағишланган. Айниқса, шоирнинг: Тор кўнгуллик беклар, манман деманг, кенглик қилинг,
Тўксон икки бўли ўзбек юртидур, тенглик қилинг...

матлаи билан бошланадиган газалида юргни бошқараётган бекларга мурожаат қилиб, уларни кенг феълли, ўзаро иттифок бўлишга, бир-бирини уругчилик белгиларига қараб қамситмасликка чақириш унинг ўз давридаги юксак фикрли, ватанпарвар ва ҳақиқий инсонпарвар киши бўлганлигидан далолат беради.

Субхонкулихон тўғрисидаги ҳажвий мухаммаси Турдининг шох асари ҳисобланади. Асарда Субхонкулихон давлат тепасига келгач, мамлакатда аҳвол ёмон томонга ўзгарганлиги, осойишталик ўрнини тартибсизлик, адлу қарам ўрнини ўзаро нифок эгаллагани ўз аксини топган. Шохнинг айби шундаки, у тахтга ўтириши биланок тажрибали, ишбилармон мулозимларни қувиб, уларнинг ўрнига ўз атрофида давлатни бошқариш ишидан бутунлай хабарсиз, фикр-мулоҳазалари саёз, ахлоқан тубан кишиларни йиғади. Турди бу асарида Субхонкулихон қиёфасида жохил шох тимсолини яратади. Ушбу ҳажвий асари билан Турди ўзбек ҳажвиётини Алишер Навоидан кейин янги бир босқичга кўтарган.

Турди ижоди хаётий фактларга, теран мулохазаларга бойлиги ва услубининг реалистик характери билан ўзбек адабиёти ривожига самарали таъсир килган. Махмур, Гулханий каби сатирик шоирлар ижодининг шаклланишида мухим боскич бўлган. А. Мажидий томонидан топилган ва 1924—25 йилларда нашр этилган шеърлар кўлёмаси Абу Райхон Беруний номидаги Ўзбекистон Фанлар Академияси Шаркшунослик интститути фондида сакланади (инв. ? 1407).

Абдукодир Хайитметов

Тор кўнгуллик беклар, манман деманг, кенглик килинг
Тўксон икки бовли ўзбек юртидур, тенглик килинг.
Бирни кипчоку хитоу, бирни юз, найман деманг,
Кирку юз, минг сон бўлиб бир жон ойинлик килинг.